

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 19 (6.508)

1988 йил 25 январь, душанба

Баҳоси 3 тийиқ

Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан

Илҳомбахш кунлар

Шу кунларда бутун мамлакатимизда Бутуниттифок XIX партия конференциясига қизгин ҳозирлик борапти. Халқ ҳўжалигининг саноат корхоналари катта анжуман бошла- надиган кўнғача беш йилликнинг уч ярим йиллик план- топириқларини бажариш ташаббуси билан чиқмоқдалар ва аниқ режалар белгиламоқдалар.

Бизнинг 1-пояфзал корхонамизда ҳам ана шу хайрли иш ҳақидаги хабарлар самимий кўтиб олинди. Корхона ва цех партия ташкилотларида коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари партия конференциясига тайёргарлик кўриш борасида таклифларини ўртага ташладилар. Ўзаро социалистик мусобақани кучайтириш, уч ярим йиллик планни барвақт бажариш, маҳсулот сифатини янада яхши- лаш, айниқса бракка йўл қўймаслик, материалларни те- жаб-тергаб ишлатиш шулар жумласидандир.

Қўзаланган марраларга эришиш учун биринчи навбатда меҳнат иттифоқининг қатъий йўлга қўйишимиз керак. Бу борада диққатга сазовор ишлар қилинди. Ишга кечикиб келиш ёки проғул қилиш ҳолларига деярли барҳам берил- япти.

Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишнинг йўл- ларидан бири бу биринчи галда сифатли маҳсулот тайёр- лашдир. Тўғри, биз, пойафзалчилар кейинги ўн йиллар мобайнида харидорлардан, савдо ташкилотларидан, мат- буют, радио ва телевидениедан жуда кўп эътирозлар эшитдик. Юзимиз шувут эди. Ҳақиқатан ҳам кўплаб пой- афзалларимиз брак бўлиб корхонага қайтиб келганда ҳаммамизнинг бошимиз гаранг бўлиб қолар эди. Энди у кунлар орқада қолиб кетмоқда. Бугунги кунда бошқа ман- зара кўзга ташланыпти. Фабриканинг барча цехларида эс- кириб қолган ускуналарни янгилаш ёки уларни давр та- лаби асосида тақомиллаштиришга кескин киришилди. Ўтган йили Австрия ва Германия Федератив Республика- сидан олиб келинган замонавий машиналар ўрнатилиши айни муддао бўлди. Корхонамиз мутахассислари келгуси йилларда бундай замонавий машиналарни яна олиш усти- да фикр юритмоқдалар. Тайёрланаётган пойафзалларнинг моделлари ҳам давр руҳига ва талабига мослаб тақомил- лаштирилмоқда, уларнинг кўрки яхшиланяпти. Ўтган йи- ли ишлаб чиқарган маҳсулотларимизнинг жуда кўп қис- ми истеъмолчиларга манзур бўлди. Брак камайиб бора- япти.

Ўтган йили 49,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чи- қарилди. Корхонамиз 4 миллион сўм фойда қўрди. Бу маблағ ишлаб чиқаришни янада тақомиллаштириш, иш- чиларга қўлай шароитлар яратиш учун сарфланади. Бу йилги қўзаланган марраимиз — 51 миллион сўмлик пойаф- зал ишлаб чиқариш.

1988 йилнинг январь ойи дастлабки кунлари меҳнати- миз самарали бўлаяпти. Ҳар бир цех, ҳар бир участка коллективи кундалик топириқларни бажаришга астойдил ҳаракат қилапти. Биз, пойафзалчилар январь ойининг дастлабки 20 кунига яхши ишладик, маълумот- ларга қараганда ойлик топириқини ўз вақтида бажарамиз. Шундай қилиб қоқоқлик ва сифатсиз маҳсулот тайёрлаш чекинмоқда.

3000 га яқин киши меҳнат қилаётган корхонамиз цех ва участкаларида ўз ишининг фидойиси бўлган чинакам жонқурлар бор. Улар партияимизнинг бўлажак анжума- нига муносиб совғалар тайёрлаш борасида намуна кўрсат- моқдалар. Бичиқчи Татьяна Смирнова, пойафзалчи Ко- мил Расулов, участка мастери Элеонора Милжикова, ре- монтичи Эдуард Агажанов сингари садоқат билан ишлаёт- ган коммунист ва новаторлар давримизнинг фахрли ки- шиларидир. Биз ана шундай азаматларнинг ғайрат-шижо- ати туфайли олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга эришамиз.

Сайд РАХИМОВ.
1-пояфзал фабрикаси 4-цехнинг фрезерчиси, Фрунзе район партия комитетининг аъзоси.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Коммунистнинг қиёфаси

Баъзан коммунист ҳақида жуда ошириб-тошириб ёзамиз. Бунга ўзимиз айбдоримиз. Уни сал бўлмаса юқори поғонага чиқариб қўямиз. Кейин мисл чиқиб қолса, бармоқ тишлаб: «Аттанг, у ҳақда бекор гап айтган эканман», деймиз. Ё но- тўғрими!

Партком секретари Маргарита Сесюнина ана шулар ҳақи- да ўйлар экан, ҳаёлидан кўп нарсалар ўтди. Ун олтинчи пле- нумгача корхонада ҳаттоки баъзи кишиларни коммунист де- йишга ҳам уяларди. Соф коммунистлар билан бирга баъзан партия сафига икки қиёфали одамлар ҳам кириб қолган эди- да. Уларни партком секретари ўз кўзи билан кўриб турар, аммо курашолмасди. У ўзини пассивликда айбларди. Апрель пленуми ва йигирма еттинчи съезд билан софдил кишиларга тил берди. Шулар қаторида Маргарита Леонидовна ҳам виждон азобидан қутқарди.

Келинг, гапни қўзиб ўтирмай, ошкора дангалига ўтайлик: ҳозир, шу қайта қуриш даврида ҳам шаронга мослашиб ол- ганлар корхонада йўқ деб ўйлайсизми!

— Коммунистми! Албатта, у бир қиёфали, исми-жисмига монанд бўлиши керак! — Сиз суратда кўриб турган ҳали ёш, аммо жуда катта бир корхона — Фрунзе районидagi абразив комбинатининг партия комитети секретари Марга- рита Леонидовна шундай фикрда. Унга корхона коммунист- лари бу масъулиятли «постига ишонч билдиришганига ҳам оз эмас, кўп эмас — роппа-роса ўн йил бўлибди!

— Шу ўн йил ичида, — деди у, — «куним» партияга қа- бул қилинаётган ёшлар, айниқса уларнинг кейинчалик қа- дам босишини синчиклаб кузатиш билан ўтди.

— Яхшими бу, ё ёмонми!

— Нима деб ўйласангиз — ўйлангиз, аммо ярани газак ол- масдан, беморни иситмаси ошкор қилган заҳотёқ даволаган маъқул-да. Шунда унинг ўзига ҳам, корхонамиз шаънига ҳам фойда...

Маргарита Сесюнига ақинда Москвадан хушхабар кел- ди. У Бутуниттифок Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланбди.

Маргаританинг ўзи Тошкентда истиқомат қилса ҳам кўнгил илларининг бир учини ўсган жойи Шаҳрисабзда, ўқиб- ўрганган даргоҳи Китобда, ҳўнарли бўлган шаҳри Самарқанд- да.

Ёшлигида у отаси ё онаси билан бирон жойга борса ҳа- деб савол бераверар, улар ҳам эримасдан жавоб қайтари- шарди.

Йиллар ўтди. Ҳаёт, қайта қуриш даври унга шундай савол- ларни бераптики, уларга жавоб топиш учун ҳақиқий, софдил коммунист бўлиш керак. Маргарита Леонидовна эса ана шун- дай покиза қалбли инсон ва коммунист!

Х. ИКРОМОВ.

СУРАТДА: Маргарита Леонидовна Сесюнина.
Р. Шарипов фотоси.

«Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси Фрунзе районида

Бизнинг справка

Тошкент шаҳрининг энг кекса район- ларидан бири — Фрунзе райони 1936 йилда ташкил этилган.

Унинг аҳолиси 135 минг кишини таш- кил этади.

Районда ўз сафига 11345 нафар КПСС аъзосини ва 240 нафар партия аъзоли- гига кандидатларни бирлаштирган 215 та бошланғич партия ташкилотли ишлаб турибди.

Районнинг 82 минг аҳолиси халқ ҳў- жалиги ишлари билан банд. Шундан 35 минг киши саноатда, 8,6 минг киши қурилишда ва 2,5 минг киши транспорт соҳасида меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили районнинг 19 та саноат корхонаси 521 миллион 277 минг сўм- лик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Районда учта олий ўқув юрти, икки- та техникум, 17 та мактаб, 13 та соғлиқ- ни сақлаш муассасалари ишлаб турибди.

Коллектив Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарафига ўзаро меҳнат бел- лашувини авж олдириб юборди.

БУГУН бинокорлар Фрун- зе район «Бошлиқ» микро- районида бўлиб этилаётган 9 қаватли 108 квартирили турар жой биносининг сўнг- ги қаватини монтаж қилиш- га киришдилар.

Янги техника самараси

● ЧИРОЙЛИ ишланган металл тугмача либоснинг

кўркидир. Бунга тайёрлашда айниқса автоматика қўл кела- ди.

Фурнитура пластмасса- буюмлари экспериментал за- водда техника янгилигига катта эътибор берилмоқда. Шунга мувофиқ замонавий янги ускуна монтаж қилиш- га киришилган эди. Ҳозирги кунда уни созилаш ишлари ниҳоятсига етказилиб, даст- лабки маҳсулот тайёрлана бошладди.

Янги линия йилига 50 миллион донна металл тугма тайёрлаш қувватига эга.

25 январдан 31 январгача

Об-ҳаво ва саломатлик

Н. А. Семашко номидаги курортология ва фи- зиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Махмудов тахрири остида.

Ўзбекистон ССР гидрометеорология маркази- нинг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг кўпги- на кунларида Ўзбекистонда ҳаво дамба-дам бу- лутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кеча- си ва эрталаб туман тушади. Айрим кунлари бу- лут кўпайиб, бироз қор ёғиши мумкин. Кечаси 1—6 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқдан 4 даража иссиқкача ва 4—9 даража иссиқ атро- фда бўлади. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат меъёрига яқин бўлади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медици- на метеорологик маълумотлари ва медицина профессорликка марказ мутахассисларининг фикрига кўра шу ҳафтанинг кўпгина кунлари об- ҳаво бу давр учун мўлҳияи ҳисобланади. Айрим кунларда эса булутларнинг кўпайиши об-ҳавода ўзини нуҳуш сезаётган беморларда нуҳуш ало- маларини пайдо қилиши мумкин. Бундай пайтда юрак, томир ва ўпка ҳада бўғинлар шамоқлаши хасталигига чалинган беморларнинг кайфияти нуҳуш бўлади.

Бундай тоифадаги беморларни парваршиш қи- лиш мақсадида врачлар кўрсатмасига биноан қон босимини бир маромга соладиган дори-дар- монлар ва оғриқ қолдирадиган препаратларни қабул қилиш тавсия этилади. Таянч — нафас аъзолари хасталигига учраган беморларга оғриқ қолдирадиган дори-дармонлар берилди.

Об-ҳаво қўлай кунларда беморлар чинқиш тадбирларини давом эттиришлари, очиқ ҳавода кўпроқ бўлишлари масхафат берилди. Даволаш машқларини нафас олиш машқлари билан қў- шиқ бажариш фойдалидир. Бундай омилларга риоя қилиш бемор кишиларининг бардам-бақув- ватлигини оширади.

Муносиб совға

● «ГЛАВАШКЕНТСТ- РОЙ»нинг 3-ўйсузлик комби-

натига қарашли 1-қурилиш корхонаси коллективлари ўртасидаги социалистик му- собоқада Г. Хобитов бошлиқ комплекс бригадаси аъзола-

ри пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб қелишмоқда. 29 кишидан ташкил тошган бу аҳил оила ҳўжалик ҳисоби бўйича меҳнат қилмоқда.

АХБОРОТ

Халқ хизматида

Ўзбекистон Соғлиқни сақ- лаш министрлиги мутаха- ссисларининг юмушлари кў- пайиб қолди. Улар Тошкент марказида қад кўтарган осмонўпар бинони диққат билан кўздан кечириб, бўла- жак Республика диагностика маркази хоналарини қан- дай қилиб жойлаштиришни режалаштирдилар. «16 қа- ватли бино Республика диаг- ностика марказига берилди. Ер остидаги уч қаватли ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, — дея хулоса қилди даволаш бошқармаси бошлиғи Р. Сул- тонов, — жуда бемалол жойлашиб олиш мумкин».

Ўзбекистон кўчасида. Ки- ночилар уни қаршидада қад кўтарган ана шу басават- ларни Ўзбекистон ССР давлат агросаноат комитети учун мўлжалланган эди. Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, респу- блика Олий Совети Президи- уни ва ҳукумати ақинда қа- рор қабул қилиб, бу қарор- га кўра, фойдаланиш учун

жуда зарур бўлмаган барча маъмурий бинолар шифокор- лар ихтиёрига бериладиган бўлди. Мана бунга бошлан- ган қайта қуришнинг дастлаб- ки натижалари деса бўлади. Тошкентдаги «ГипроНИИ- здрав» институти бинони қайта жиҳозлашга зудлик билан киришилди. Беш йилли- книнг охирига бориб ана шу бинода республикамизнинг турли районларидан келиб даволанаётганлар учун уч қаватли пансионат бўлиб эти- лади.

Бироқ пансионат очили- шини кўтиб турмай, бу ерда 500 врач, ҳамшира, инже- нер ва техник ишлаб боси- лади, деб хабар беришди бизга республика Соғлиқни сақлаш министрлигидаги- лар. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг разнаряд- касига биноан, марказ сен- тьярь оида ускуналарнинг тўла комплектини, шу жум- ладан компьютер томографи, эндоскопик, рентген, био- химия, ультратовуш ва бар-

ча бошқа энг замонавий тад- қиқот методлари аппаратла- рини олади. Йил охирида республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган беморлар қабули бошланади.

Ўзбекистон соғлиқни сақ- лаш хизмати ихтиёрига ҳам- маси бўлиб 400 га яқин бино берилди. Ана шу катта бой- ликдан оқилонга фойдаланиш йилнинг муҳим юмушлари- дан биридир: эски касалхо- налар ва поликлиникалар, туғруқхоналар ва лаборато- риялар, сихат-саломатлиги масканлари ҳамда сут маҳ- сулотлари тайёрловчи ошхо- налар кенгайтирилиши ва янги биноларга қўчирилиши зарур. 1995 йилгача респуб- ликада 11 та диагностика маркази ташкил этилиши ва улар энг сўнгги замона- вий техника асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши керак.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

Музей оталиғида

Ўзбекистон ССР Давлат санъат му- зейи ҳузурида экскурсия-оммавий сектори ташкил этилди. Уқитувчилар ёшлар даврасидаги қизгин суҳбатлар- да музейнинг доимий экспозициялари тўғрисида маълумотлар беришаптир. Бундан ташқари, сектор ташаббуси билан шаҳар мактабларидаги ёш рас- сомлар тўғраланларида қизларли машғулотлар ташкил этила бошла- ни. Чунинки, 80-ўрта мактаб ўқитув- чиси Б. Понотик раҳбарлик қилаёт- ган тўғраки машғулотларнинг янада мазмунли бўлишида экскурсия-омма- вий секторининг ҳиссаси катта бўл- моқда.

Шаҳримиздаги 17, 60, 94-ва бошқа билим масканларида ишлаб турган «Ўзалик оламида» лекторийлари ҳам музей оталиғига олинди.

С. ОДИЛОВА.

Шартнома асосида

Шаҳримиздаги «Юность» маданият уйи яқин-яқингача «Восток» кинотеатри биноси- да фоалият кўрсатиб келар- ди. Энди эса пойтахтимиз- нинг Манжаара кўчасидаги бинолардан бири унинг их- тйёрига берилди. Янги би- нода турли қизиқарли мада- ний тадбирлар ўтказиш учун барча қўлайликлар бор.

«Юность» маданият уйи саноат корхоналари, турли ташкилотлар билан ўзаро

шартнома асосида иш олиб бормоқда. «Средазэлектроап- парат» ишлаб чиқариш бир- лашмаси 34-хувар-техника билим юрти билан яқин ало- қа боғлаган маданият уйи бадий ҳаваскорлик коллек- тивлари корхона ходимлари, талабалар ҳузурида концерт- лар қўйиб бормоқдалар.

Яқинда корхона ва билим юрти ётоқхоналарида дара- ва суҳбатлари ўтказилди.

А. АЛИЕВ.

Буюртма бажарилди

Асбобсозлик заводи маҳсу- лотларига талаб ортиб бормоқ- да. Корхонада тайёрланган буюмлар иттифокимиздан ташқари чет элларда ҳам ха- рид қилинаптир.

Ҳозирги кунда корхонада

жаҳоннинг 75 мамлакатига уй- ларга юмушларида қўллани- ладиган турли асбоб-ускуналар мунтазам етказиб берилмоқда.

Ўтган ҳафтада буюртма бў- йича Никарагуа, Ирак, Бирма, Жапон, Монголия, шунингдек,

Ангола сингари бир қатор мам- лаларга завод маҳсулотлари ортилган контейнерлар муна- тилди.

Шу кунларда ана бир кон- тейнер Афғонистон Республи- насига юборилди.

Туб бурилиш

● Фрунзе районининг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари, қурилиш ташкилот- лари коллективлари ўн иккинчи беш йил- ликнинг учинчи йили план-топириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваф- фақиятли бажариш учун енг шимариб ишга киришдилар. Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарафига беш йилликнинг уч йиллик топириқини бажариш ташаб- бусини бошлаб берган тўқимачилик ком- бинати, абразив комбинати, «Таштекстиль- маш» заводининг пешқадам ишчилари ва бригадалари сафи тобора кенгайиб бораля- ти.

● Тўқимачилик комбинати ва «Ўзнер- голетпром» корхонаси ўтган йилдан ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаб бошлаган эди. Янги, 1988 йилдан бошлаб абразив комби- нати, 1-поябзал фабрикаси, қурилиш ма-

териаллари комбинати, фурнитура-пласт- масса буюмлари заводи, эксперименталь- механика заводи, СССР Хиния саноати ми- нистрлигига қарашли қадоқлаш ва ўраш алоҳида конструкторлик бюроси, пойабзал модалар уйи сингари корхоналар коллек- тивлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш усулига ўтиб ишламоқдалар.

● Кўпгина қурилиш ташкилотлари ҳам янгилашти йўлидан дадил борилапти. «Ўз- бекгазстрой» трести ва «Ўзэлектромонт- таж» трести коллективлари ўтган йили коллектив пудрати усулига ўтишган эди. Натижалар чакки эмас. Бу трестлар план- ларини ошириб бажаришляпти. Меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб бормоқда. Энг муҳими бинокорлар маши қўнгилдагидек бўлмоқда.

СЎНГИ СОАТДА

● КОБУЛ Бирлашган Мил- латлар Ташкилоти Бош секре- тарининг шахсий вакили Дие- го Кордовес Афғонистон те- варағидаги аҳолини ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиш учун бу ерга келди.

Журналистларга берган баёнотида, жумладан, у шун- дай деди: Женевадаги Афро- нистон билан Покистон ўрта- сидаги музокараеларнинг нав- батдаги босқини, эҳтимолики, сўнгги босқин бўлади. Афро- нистон теварағидаги аҳолини ҳал этишдан манфаатдор бўл- ган барча томонларнинг ва- киллари билан ўтказилган тур- кум маслаҳатлашувлардан сўнг у ана шундай деб тах- мин қилаётган эмиш.

● АҚШ сенати бугун ўт- ган йилнинг декабрида Ва- шингтонда имзоланган ва ратификация қилинишини ку- таятган ўртача ва камроқ описки ракеталарни юзасидан Шартномани кўриб чиқишни бошлади. Сенатнинг ташқи ишлар бўйича комитетидаги тинглашлар чоғида шартнома- ни АҚШ давлат секретари Ж. Шульц тақлиф этади.

● Қувайт ташқи ишлар ми- нистрлигининг икки юқори мартабали вакили ўтган йил- нинг август ойида намойиш- чилар томонидан байрон қи- линган ва ҳозир Эрон ҳуку- мати қарамоғида бўлган Қу- вайт элчихонаси биноси қайта- ри берилишини талаб қилиш мақсадида Техронга йўл ол- ган, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

● Хиндистоннинг Панжоб штатида ҳаракат қилаётган синх сепаратистлари янги тер- рорчилик акциясини амалга оширдилар, деб хабар бера- ди Франс Пресс агентлиги. Фақат биргина шанба кунин- нинг ўзига террорчилар 9 ки- шини ўлдиришган. Штатда эълон қилинган террорчилар- га қарши кураш доирасида, полиция томонидан икки се- паратчи ўлдирилган. Штатнинг кўпгина шаҳарларида террор- чилик авж олаётганига қарши норозилик намойишлари бў- либ ўтган.

● ДУБАЙ. Сахро билан ўралган, Бирлашган Араб Амирликлари таркибига ки- рувчи Дубай қироллиги Дания. дан... 30 тонадан зиёд кум сотиб олди.

Гап шундаки, Даниядан кел- трилган кум таркибида қарч- жуда кўп бўлиб, ундан исмилик сувни тозалашда фой- далонилди. Тўлиб-тошиб ётган маҳаллий кумдан эса ана шу мақсадларда фойдаланиб бўл- майди. Даниялик корхоналар ўз кўмларини бошқа араб мамлакатларига ҳам сотиш ниятларади.

Ҳеч кимга ён босилмайди

Фрунзе район партия комитети бюроси коммунистлар аттестацияси қандай бораётганини муҳокама қилди.

— Ҳар сешанба кун бири бошланғич партия ташкилотларида кутилади, — дейди район партия комитети ташкилий бўлими инструктори Алишер Ашуров. — Секретарлар билан бўладиган амалий учрашуларда уларга қўлимиздан келган ёрдамни кўрсатишимиз, партиявий ишларни планлаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, қарорлар ижросини таъминлаш бўйича масалаҳатлар бераймиз.

Набатдаги сешанбада ташкилий бўлим инструкторлари жойларда коммунистлар аттестацияси қандай бораётганини билан қизиқдилар. Аттестация комиссияси аъзолари билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргандилар. «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти секретари Т. Сайфуллаев «Химчистка» фабрикасида, партия ветеранларидан К. Азиззонов Фрунзе савдо марказида, Д. Ф. Дирма эса район ички ишлар бўлимида тузилган аттестация комиссияларига бошчилик қилишгаётган эди. Комиссия аъзоларининг фикри райком ходимларини қизиқтириб қолди.

Аттестация давомида қўлгина муаммолар тушуниб қолган эди. Айрим жойларда аттестация ҳужажурсин учун, юзакни ўтказишга бўлса, бир қатор ташкилотларда аттестация умуман ҳали бошланмаган эди. «Таштекстильмаш» заводи, «Отделстрой» трести партия комитетлари аттестациянинг бориши билан умуман шугулланмай қўйишди. Демак, бу масалани чуқурроқ ўрганиб, райком бюроси муҳокамасига қўйиш керак.

Тақлиф бюро аъзоларига маълум қилди. Январ ойининг биринчи ярмида бўладиган бюро мажлисига бошланғич партия ташкилотларида коммунистларни аттестациядан ўтказишнинг бориши ва коммунистлар активлиги ҳамда бошланғич партия ташкилотлари жағоварлигини янада ошириш вазифалари муҳокама қилинадиган бўлди.

Бюрога бир ойдан кўпроқ тайёргарлик қўрилди. Бу масалани тайёрлаш ташкилий бўлим инструктори Алишер Ашуровга топширилганини учун ҳам вазифага жиддий ёндашди. Ҳар бир ташкилот фаолияти билан чуқурроқ таниди. Текширув давомида аттестация ишларини жонлантириш чораларини кўрди, секретарларга, комиссия аъзоларига зарур ўқилмаган берди. Қолган гаплар эса бюрода айтилди.

Коммунистлар аттестацияси КПСС Марказий Комитетининг Тошкент области партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарори асосида ўтказилмоқда, — деди бюрода район партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Плещков. — Биз аттестацияни 8-тап йилининг июль ойида бошлаган эдик. Биринчи босқичда 8 та комиссия ишлади. Бу комиссиялар энг аввало партия группаси ташкилотчилари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларини аттестациядан ўтказди. Комиссия мажлисида тақлиф этилган 153 коммунистдан 30 нафари секретар ва партия группаси ташкилотчилари сифатида партия равишида аттестация қилинди ёки умуман аттестациядан ўтолмади. Коммунист сифатида эса 16 киши аттестация қилинмади. Уларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиниб, тегишли жазоларини олдилар. 23 нафар секретар ва партия группаси ташкилотчилари коммунистлар қайта ишонч билдиридилар. Икки кишига вивовор эълон қилинди, олти киши эса огоҳлантирилди.

Сайлаб қўйилган партия активларини аттестация қилиш давомида улар фаолиятидаги бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Партия группаси ташкилотчиларидан 25 проценти ўз вазифасини низоҳатда қонқарисз бажарётганлиги, 14 проценти эса Устав талабларига риоя этиаётганлиги аниқланди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан орасида ҳам пасивлар йўқ эмас эди. Шу бонсдан секретарларнинг тўрт нафари аттестация қилинмади. Улар орасида ремонт-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари Ш. Тўлаганов ҳам бор эди.

Ш. Тўлаганов умуман партия ишларидан узоқлашиб қолган эди. Ингилишлар вақтида ўтмас, қабул қилинган қарорлар ижроси текширилмас эди. Навбатдаги ҳисобот-сай-

лов йиғилишида у секретарликка қайта сайланмади. Пассивлиги ва партиявий топшириққа масъулиятсизлик билан қараганлиги учун вивовор олди.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари суёт фаолият кўрсатганликлари учун ҳам кўпгина партия группаларида ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. «Промстройиндустрия» бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводида ҳар уч партия группаси ташкилотчиларидан икки нафари, «Отделстрой» трести, 2502-автокомбинат партия группаси ташкилотчиларидан ярми аттестациядан ўта олмади ёки шартли равишда аттестация қилинди. «Отделстрой» трестидан Н. Соловьева, «Таштекстильмаш» заводида А. Газизова, 2502-автокомбинатдан А. Пулатов, Р. Ҳафизов ва бошқалар аттестация давомида Устав талабларини қонқарисз равишда бажарётганликлари маълум бўлди. Уларга нисбатан тегишли партиявий чоралар қўрилди.

Ташкилий бўлимнинг бюрого берган ахбороти танқидий руҳда бўлди. Бюрого тайёргарлик давомида аниқланган камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Аттестация тобора кенг қўлоч ёймоқда. Ўтган йилининг охирида корхона ва ташкилотларда яна 27 та комиссия тузилди. Ҳозир 126 та бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар аттестациядан ўтказилаётган. Ўтган ойларида 636 нафар коммунист комиссия мажлисларига тақлиф этилган эди. Лекин уларнинг 43 нафари аттестациядан ўтолмади. 104 нафари эса шартли равишда аттестация қилинди. Шуниси ачинарлики, аттестациядан шартли равишда ўтганлар орасида 1-пойнабал фабрикаси бош инженерининг ўринбосари А. Гафуров, Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув-тўқув фабрикаси бош механиги Г. Йўлдошев, Фрунзе савдо маркази партия ташкилотининг секретари Х. Дўсова каби раҳбар ходимлар ҳам бор эди. Аттестация давомида ҳеч кимга ён босилмапти. Коммунистлар фаолиятига ҳолис баҳо берилапти.

Албатта, бу ҳол айрим раҳбар коммунистларга ёқинчирамапти. Улар аттестация комиссиялари ишига ҳалақат беришга, ҳуқуқларини чеклашга уринмоқдалар. Ноябрь ойида «Химчистка» фабрикаси, Фрунзе савдо марказида, декабрь ойида эса «Таштекстильмаш» заводида коммунистлар аттестацияси асоссиз равишда тўхтатиб қўйилди. Аттестациядан ўтолмаган ёки шартли равишда ўтган коммунистларни вақтида муҳокама қилиш ва жазоланиш айрим партия ташкилотлари пайсалга солипти. Островский номида театр ва расомчилик институти шундай бўлди. Институт партия ташкилоти ҳисобида 88 нафар коммунист эди. Ҳозирча уларнинг 24 нафари аттестация комиссияси мажлисларига тақлиф этилди. Коммунистларнинг бири сентябрь ойида шартли равишда аттестация қилинган эди. Лекин ҳанузгача коммунистлар ўртасида муҳокама этилмади. Ундан кейин яна икки коммунист шартли равишда аттестация қилинди, коммунистларнинг бири эса умуман аттестациядан ўтолмади. Лекин пасив коммунистлар муҳокамаси ҳамон пайсалга солиниб қолди. Бу ҳол партия секретари Т. Исломовнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги оқибатида содир бўлмоқда.

«Таштекстильмаш» заводи партия комитети ҳам аттестациядан ўта олмаган ёки шартли равишда ўтган коммунистлар активлигини оширишга етарлиқ эътибор бермапти. Бундай коммунистларнинг 86 проценти уч ойдан бери муҳокама қилинмади. Умуман корхонада аттестация низоҳатда сенилик билан ўталпти. Ҳали 4 та цех партия ташкилоти аттестация ишларига қирғинача йўқ. Партия комитети эса ҳеч партия ташкилоти секретарларига нисбатан етарлиқ талабларни қилмапти.

Қўлгина корхоналарда коммунистлар аттестацияси меҳнат нитизоимини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам бераётганлиги сезилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати, айрим қурилиш ташкилотларида нитисодиий кўрсаткичлар яхшиланиб борапти. Район бўйича ўтган йили биринчи марта уй-йўқ қурилиш вақти бажарилиб. Меҳнаткашларга савдо, маиший хизмат кўрсатиш яна ҳам яхшиланди. Шундай экан, партия ташкилотлари коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишда аттестациядан яна ҳам самарали фойдаланишлари керак.

Ж.НОСИРОВ.



«Таштекстильмаш» заводининг асбобсозлик цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Бунинг учун энг таъминлашга ҳаракат қилинмоқдалар. Бу беиз эмас, албатта. Чунки тайёрланаётган ҳар бир деталь аниқ чизмалар асо-

сида ишлаб чиқарилади. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ишчидан ишга ижодий муносабатда бўлишни тақозо этади.

СУРАТДА: цех ишчиларидан А. Спиклов, Д. Воловиков, В. Валишов ва А. Гитман янги топшириқни бажаришга тайёргарлик кўришмоқда.

«Тошкент окшоми» сайёр редакцияси Фрунзе районида

Бу мақоламиз сарлавҳасини «Таҳлил ва сабоқ» деб ҳам қўймоқчи бўлдик. Аммо битта районида, яъни Фрунзе районида бараварига янги ҳўжалик ҳисоби шартини ўтиб ишлаган икки корхонада орадан бир йил ўтгач, иш натижаси икки хил бўлиб чиққани бизни ажаблантирди.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам «Эзнерголетпром» корхонаси ҳўжалик йўртишнинг янги усулига ўтиб ишлаб бошладик. Энди коллектив олдига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш вазифаси турар эди. Шунинг учун ҳам одамларга янги шартинида ишлаш омиллари пухта тушутирилди, олдидан бунга тайёргарлик қўрилди. Шу нарса чуқур сингдирилдики, корхонанинг умумий ютуғи ҳар бир кишининг омилдорлиги билан иш йўртишига боғлиқ, бунинг бир қадам ҳам олға силжиш қийин. Ремонтчи-созловчилар бунинг ўз вақтида аниқлаб етилди. Корхонанинг ҳўжалик ҳисоби даромади коллективники, ундан ҳар бир киши маданий манфаддор. Яратиб берилган янги имкониятни қарангки, бу даромад энди тўла корхона ихтиёрида, ундан қандай фойдаланиш ҳам унинг ўз ичига.

Ҳўш, корхонада янги усул натижаси қандай бўлиб чиқди! Маана, фактлар. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот реализация қилиш планлари муваффақиятли бажарилиди. Энг муҳими, фойда олиш плани ҳам адо этилди. 89 минг сўм фойда олиш кўзда тутилган эди. Шунча фойда кўришди.

Меҳнат унумдорлиги ҳам ошди. У 1986 йилга, яъни ҳўжалик ҳисобига ўтмасдан олдинги йилга нисбатан 5,7 процент ошди. Янги шартинида, яъни ҳўжалик ҳисоби йилининг ўзигагина меҳнат унумдорлиги 2,7 процент ошди.

Энди бунга қандай эришилганини қисқача таҳлил этиб кўрайлик. Аввало, ҳўжаликни бошқаришнинг янги усулига ўтилган, иш бир маҳоратда ташкил этилди. Бу ютуқларнинг биринчи галдаги омилли бўлди. Иккинчидан, корхонанинг буюртмалари ҳамма «ҳозир нозир». Ҳом

ашё билан таъминлаш масаласи ҳам пухта йўлга қўйилди. Яна асосий омиллардан бири — корхонада кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилган бўлди. Бу ерда кадрлар қўнимсизлиги районидаги бошқа корхоналарга нисбатан камлиги характерлидир. Ва низоҳат энг асосийси — корхона ишчи ва хизматчилари ойлик маошларидан мамнуликларини изҳор қилмоқдалар.

Энди районида ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаганига бир йил тўлган Тошкент тўқимачилик комбинати иш натижаларига разм солайлик.

Ҳўжалик ҳисобига кенг йўл

Икки хил натижа

— Шунинг қувонч билан айтиш керакки, — деди биз билан суҳбатда район партия комитети саноат, транспорт ва алоқа бўлимининг мудири С. Агешин. — Бу комбинатда кейинги бир йил ичида ҳаракат қилинаётгани яққол сезилди. Масалан, сўзим қуруқ бўлмаслиги учун, комбинатда бутлур товар маҳсулоти ишлаб чиқариш вақти бажарилиди. Маҳсулот реализацияси вақти ҳам. Меҳнат унумдорлиги ҳам 1,9 процент ошди. Бу кўпнинг кишини катта коллектив учун қувончли ҳол, албатта.

Аммо... Биз янги ҳўжалик ҳисоби шартинида ўтиб ишлаган бу коллективдан кўп нарса кутган эдик. Ҳозирча эса... Буюртмалар етказиб бериш вақти оқиндан оқин оқсади. 20 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот кам етказиб берилди. Кенг истемол моллари ишлаб чиқариш вақти ҳам удаланмади. Энг ачинарлиси —

зиб келинди. Комбинатда айниқса пардозлаш фабрикаси қуввати камли қилиётгани яққол сезилиб турибди. Бу фабрика бутун комбинат маҳсулотларини «пардозлаш» ишларига улгура олмаётгани кишини белинга тепмоқда. Бу ҳақда комбинатда ҳам, районида ҳам сўз юритилмоқда.

Бирок, бу ерда иш олға силжияётганининг бошқа сабаблари ҳам борга ўхшайди. Келинг, бунинг иккинчи асосий сабабини кўрсатиб ўтайлик. Булар — кадрлар қўнимсизлиги юзасидан ва дастгоҳларнинг қўлчиллиги эскирган, «алмисокдан қолганлигидир. 65 процентдан зиёдроқ дастгоҳларни янгиллаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш талаб этилади. Қўпларини капитал ремонт қилиш лозим. Аммо бунга корхонада маблағ кам. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда комбинатини техникавий қайта қурулантиришга 13,9

Бунёдкорлар гайратити

Фрунзе районидаги Ивано-волик тўқимачилар кўчаси чирой очмоқда. Илгарари бу ерда, тўқимачилик к комбинатининг ишчилари учун гн бир қаватли уйлар қурилган эди. «Главташкентстрой» 1- ва 3-уйсозлик комбинатларини қурувчиларни куч-гайратити тўғрисида кўча таниб бўлмамас даражада ўзгарди. Бу ердада асосан беш ва тўққиз қаватли ойна-ванд лоджияли ва кў кўп квартиралар бунёд этилмоқда. Болалар спорт ва ўйинчи майдончалари, болалар боғчалари, савдо ва маиший хизмат комплекслари ҳам бунёд этилмоқда.

Уйсозлар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилининг зарбдор йилга айланганлигига ҳаракат қилмоқдалар. 2-моната бошқармасининг нг бинокорларни 108 квартираларни тўққиз қаватли бинони фойдаланишга тахт қилиб қўйишди. и.

Яна тўртта янги уй бунёд этилапти. Уларда 1165 тўқимачи оиласи ҳоли и тўйларини ўтказди. Бошқарма ва коллектив маъзуру объектда яшам 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмади.

Бутуниттифоқ XIX IX партия конференцияси шарафига ўтказилган социалисттик мусобақада Н. Хобитов, А. А. Колосников, Б. Раҳимов бошчилик бригадалар пешқадамлик қилмапти.

Д. С. ОБЛАЕВ.

